

“Ангрен логистика маркази” АЖнинг  
йиллик умумий йиғилишида тузилган  
санок комиссиясини  
1-сонли йиғилиш  
БАЁНИ

2022 йил 30 июнь

Ангрен шаҳри.

Санок комиссияси аъзолари Рахматов Самариддин Сирожиддинович, Джуманиязова Равшаной Калбаевна ва Турсункулов Шухратжон Ибрагим ўғли куйидагилар тўғрисида баённома туздик:

1. “Ангрен логистика маркази” АЖнинг йиллик умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорларни рўйхатга олиш яқунлари тўғрисида.

а) Акциядорлар реестрига киритилган овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 4190681 дона акцияси билан 4 нафар акциядор овоз беришда иштирок этиши мумкин.

б) Умумий йиғилиш очилишига қадар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 2298681 дона акцияга эга 1 нафар акциядорнинг вакили рўйхатдан ўтган. Яъни жами овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акцияларнинг 54,85% рўйхатдан ўтган.

Йиллик умумий йиғилишда акциядорларнинг қворуми бўлганлиги муносабати билан барча кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқиш учун акциядорларнинг умумий йиғилишини очилсин.

2. Овоз бериш яқунлари тўғрисида.

Овоз бериш учун акциядорнинг вакилига кун тартибидаги масалалар киритилган 2 дона бюллетень берилди. Бюллетенда овоз бериш жараёни Регламентга кўра кун тартибига киритилган масалалар муҳокамаси яқунлангандан сўнг амалга оширилган.

Санок комиссияси томонидан 2022 йил 30 июндаги акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида овоз бериш яқунлари бўйича бюллетенлар ҳисоблаб чиқилган.

Бюллетенлар бўйича ҳисоб-китоблар мазкур баённомани 1 ва 2-иловаларида қайд этилган. Ҳеч қандай овоз берилмаган ва ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар йўқ.

3. Ушбу баённома 3 (уч) нусхада тузилиб, унинг нусхалари куйидагиларга тарқатилди:

1. Кузагув кенгаши раисига
2. Ижро органига
3. Санок комиссияси раисига.

4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши баённомасига бюллетенларга овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядорнинг вакилига берган ишончномасини нусхаси илова қилиниб, “Ангрен логистика маркази” АЖга архивда сақлаш учун топширилди.

Санок комиссияси:

Санок комиссияси аъзолари:

Рахматов Самариддин Сирожиддинович

Джуманиязова Равшаной Калбаевна

Турсункулов Шухратжон Ибрагим ўғли

